O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 21 май, шанба • № 41 (11.740) • Эркин нархда сотилади

# Марҳабо, «Баркамол авлод»!




**Уч кундан сўнг вилоятимизда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг бу йилги «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига старт берилади.**

Японияликлардан «Бундай оламшумул ривожланишга қандай эришдинглар?» деб сўралганда, «Кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратиш орқали» деб жавоб беришган экан. Дарҳақиқат, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук ва баркамол этиб тарбиялаш орқали давлатнинг келажагига мустаҳкам пойдевор қўйилади. Мамлакатимизда бу жараён изчил давом этяпти. Буни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилаётгани ҳамда болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг оммавий спорт турлари бўйича мусобақалари мунтазам ўтказиб келинаётганида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ўқувчи ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилишни таъминлаш мақсадида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан, юртимизда уч бўғинли спорт тизими яратилиб, у узлуксиз таълим билан уйғунликда амалга оширила бошланди.

(Давоми 2-бетда).



## Ўзбекистон Президентининг ХХРга ташрифига доир

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 2005 йил 25-27 май кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.**

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Хитой муносабатларини ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик масалаларини, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама қиладилар.

Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

## Хитойда Ўзбекистон маданияти кунлари

**Пекиндаги «Хайдянь» концертлар залида Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги маданият кунларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда ХХР маданият вазири Сунь Цзячжэн, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири А. Азизхўжаев, бошқа расмий кишилар ҳамда Пекинда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси ва Хитой жамоатчилигининг вакиллари иштирок этдилар.**

Маросимда сўзга чиққан ХХР маданият вазири Ўзбекистон Хитойнинг дўстона қўшниси эканлигини ва ўзаро муносабатлар тарихи узоқ икки минг йиллик ўтмишга бориб тақалишини қайд этди. Ўзбекистон нафақат «олтиннинг тўрт тури»га (олтин, пахта, нефть ва газ), балки ноёб ва бетакрор маданиятга ҳам эгадир, деди Сунь Цзячжэн. Хитойда Ўзбекистон маданияти кунларининг ўтказилиши икки мамлакат халқлари ўртасидаги бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш ва дўстликни мустаҳкамлаш ишига кўмаклашади. Шунингдек, Хитой Ўзбекистон билан биргаликда янги бир йўлни, яъни маданий Ипак йўлини очиш учун ўзининг бор кучини сарфлашга тайёрдир, деб таъкидлади Сунь Цзячжэн.

Мамлакатимиз маданият ва спорт ишлари вазири А. Азизхўжаев Ўзбекистон маданияти кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ХХР га давлат ташрифи арафасида ўтказилаётгани ва икки мамлакат халқлари ўзаро ҳамкорликнинг бундан-да чуқурлашишига умид қилишаётганини таъкидлади.

Шундан сўнг, мезбонлар учун ўзбек санъат усталарининг маданий гуруҳи вакиллари ижросида бетакрор миллий ашула ва рақслардан иборат катта концерти намойиш этилди. Мазкур гуруҳ вакиллари орасида А. Исмоилов, М. Йўлчиева, З. Бойхонова каби Ўзбекистон халқ артистлари, халқ ҳофизи Ў. Саиджонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар – С. Ниёзов, М. Дадабоева, Т. Азизова ва бошқалар бор эди. Уларнинг чиқишлари томошабинларнинг давомли гулдурос қарсаклари билан бир неча бор бўлиниб турди.

Шу куннинг ўзида Хитой тасвирий санъат музейида «Ўзбекистоннинг замонавий рассомчилик санъати» кўргазмаси очилди. Шанхайда ўзбек санъаткорлари ижросидаги концертлар билан бирга «Ўзбекистонда буддизм ёдгорликлари» фотокўргазмаси ҳам бўлиб ўтади.

«Жаҳон» АА.

*• Муносабат*

## Ёлғончининг юзи қора

**Мен Президентимизнинг Ўзбекистон Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва хорижий журналистлар ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун ташкил этган матбуот анжуманида Андижонда бўлиб ўтган воқеалар, турли оммавий ахборот воситаларида унинг теварагида билдирилаётган «фикр»ларга тааллуқли мулоҳаза ва хулосаларини эътибор бериб тингладим.**

Турли «овоз»лар, матбуот нашрларининг чиқишлари ҳақиқатан ҳам одамларни чалғитишдан бошқа нарса эмас. Халқимизнинг бир мақоли бор: «Ёлғончининг бир юзи қора, ёлғонни тинглаганнинг — икки юзи». Андижонда бўлиб ўтган ғаламисликлар, тинч аҳоли, давлат идораларида ўз бурчини адо этаётган хизматчиларга нисбатан қилинган зўравонликлар мудҳиш мақсад билан қўлига қурол олган бир гуруҳ ақидапарстларнинг асл башараларини очиб ташлади. Хориждаги пуштипаноҳлари уларни қандай «ҳаққоний» сўзлар билан ўз паноҳларига олишмасин, барибир ойни этак билан ёпиб бўлмайди.

Мустақиллик шароитида ҳаётимиз қай томонга ўзгариб бораётганлигини кўриб-билиб яшаяпмиз. Ҳаммамиз шу жараённинг иштирокчиларимиз, шу азиз Ватанни обод қилиш, турмушни фаровонлаштириш учун баҳоliқудрат меҳнат қилаяпмиз. Маънавий-маданий ҳаётимиз ҳам шунга яраша ўзгариб бораяпти. Юртбошимиз айтганларидек, қайси мамлакатда ижтимоий муаммолар йўқ? Гап — уларни пеш қилиш, кўпиртириб кўрсатиш, одамларда жазавани кучайтириб, бу ҳолатдан қора ниятларга эришиш учун фойдаланишга интилаётганларда. Биз бугун бу муаммоларни бартараф этиш учун баҳамжиҳат меҳнат қилаяпмиз ва илк меваларини ҳам кўриб турибмиз. Ахир, бугунги ҳаётимизни 90-йилларнинг бошларидаги ҳолатлар билан қиёслаб бўларканми? Бугун биз қаддимизни ростлаб, жумлаи жаҳон билан тенгма-тенг гаплашаяпмиз.

Андижонда содир этилган экстремистик хатти-ҳаракатлар бизнинг бугунги ҳаётимизни кўролмайдиган, озод халқ эркини тортиб олишга, ўз ҳою ҳавасларини рўёбга чиқаришга уринаётган қора кучларнинг ҳуружидан бошқа нарса эмас.

Биз бугунги ҳаётга осонликча эришганимиз йўқ. Уни кўз қорачиғиек асраш ҳам ўз қўлимизда. Андижон воқеалари буни очиқ-ойдин кўрсатди.

**Ёқубжон ТУРОБОВ,**
**Зангиота туманидаги «Маданият» маҳалласи.**

**Вилоятнинг шимолий минтақалардан бошқа қишлоқ туманларида ипак қурти парвариши ҳал қилувчи паллага кирди. Айрим хўжаликларда ипак қуртини озиқлантиришнинг сўнгги даҳаси ҳам охирлаб, даста қўйишга тайёргарлик кўрилмоқда.**

## Ҳадемай сўрига даста қўйилади



Янгийўл туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги пиллакорлари бу йилги мавсумни муваффақиятли ўтказмоқдалар. 123 та хонадонга тарқатилган 160 қути қурт агротехника қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда парваришланди. Хўжалик бошқаруви пиллакорлар учун зарур шарт-шароитларни яратиб берганлиги туфайли барча хонадонларда режадагидан ошириб пилла ҳосили олиш кутилмоқда.

— Ўтган йили ҳар қути уруғдан ўртача 51,5 килограммдан сифатли хом ашё топширган эдик, — дейди пиллачилик бригадири Тошпўлат Мутафов. — Бу йил 55 килограммни мўлжаллаяпмиз. Мавсум олдидан ҳар бир пиллакорга 10 минг сўмдан бўнак пули берилгани пиллакорларни моддий манфаатдорлик ва масъулият билан меҳнат қилишга ундади.

Дарҳақиқат, аксарият хўжаликларда сўнгги даҳанинг охирги кунлари давом этмоқда. Олди хонадонларда эрта-индин сўриларга даста қўйиш бошланади.

***СУРАТДА:** хўжаликнинг пилла мутахассиси Қаҳрамон Исломов пиллакор Улуғбек Обиджонов парваришлаган ипак қуртини кўздан кечирмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*• Танлов*

## Навбат – вилоят босқичига

**Фуқаролар йиғинлари раисларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ўртасида «Намунали маслаҳатчи» кўрик-танловининг Зангиота туман ҳудудий босқичи ўтказилди.**

Унда Янгийўл, Чиноз, Тошкент ҳамда Зангиота туманлари ғолиблари иштирок этди. Танловда Янгийўл тумани Деҳқонобод маҳалласидан Барно Эралиева, Чиноз тумани Ҳамза маҳалласидан Маҳбуба Бекмуродова, Тошкент тумани Наврўз маҳалласидан Ёқутхон Мўминова ҳамда Зангиотанинг «Олмос» маҳалласидан Гулнора Умаралиева танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш учун баҳслашдилар.

Ҳакамлар ҳайъатининг якуний хулосасига кўра, Тошкент тумани вакили Ёқутхон Мўминова мутлақ ғолиб деб топилди ва у танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди. Янгийўл ва Зангиота туманлари вакиллари иккинчи, чинозлик Маҳбуба Бекмуродова учинчи ўринга сазовор бўлдилар. Ғолиб ва бошқа иштирокчиларга вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва ҳомийлар томонидан совғалар топширилди.

**Саид ҲАСАНОВ.**

## Бари тарбияга боғлиқ

**Тошкент тумани ҳокимлигида Андижон шаҳрида юз берган фожиали воқеаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла оқсоқоллари ҳамда уларнинг диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этишди.**

Йиғилишда Президентнинг воқеа тафсилотларига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида сўзлаган нутқи видео тасма орқали намойиш этилди. Маҳалла фаоллари ҳар бир ҳудуд аҳолиси ўртасида Андижон воқеаларига тўғри ва холис баҳо бериб, тушунтириш ишлари олиб боришлари лозимлиги таъкидланди.

— Рўй берган бу ҳодиса биз педагог ходимлар зиммасига яна ҳам катта масъулият юклади, — дейди тумандаги 9-умумтаълим мактаби директори Зуҳра Жалилова. — Чунки, айрим ёшларимиз турли диний оқимларга кириб қолмоқдалар. Шунинг учун ўқувчиларга террорчиларнинг асл мақсадларини тушунтириб, мактабларда махсус суҳбатлар ташкил этиш керак. Дунёқараши энди ривожланиб келаётган ёш авлодга тўғри йўл кўрсатиб, уларга Андижондаги воқеалар кимлар томонидан ва нима мақсадда уюштирилганлигини аниқ тушунтириб бериш зарур.

— Минг афсуски, кейинги вақтларда аксарият ота-оналаримиз ўз фарзандларига бeэътибор бўлмоқдалар, — дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Умида Маҳмудова. — Ўз болалари нима билан шуғулланаётгани уларни умуман қизиқтирмайди. Ҳатто айримлари «Бизга ишчи керак, ойига фалон сўм маош берамиз» деб келганларга қандай иш эканини суриштирмай-нетмай, фарзандларини эргаштириб юборганлари ҳақидаги маълумотларни эшитдик. Наҳотки, ота-онага ўз фарзандидан кўра пул азиз бўлса! Фарзандлари қандай иш билан машғул эканликларидан ота-оналар доимо хабардор бўлишса, бундай фожиали воқеалар ҳам рўй бермасди.

Йиғилишда яна шу нарса таъкидландики, тумандаги ҳар бир маҳаллада диний экстремизм ва ақидапарастликнинг олдини олишга қаратилган йиғилишлар мунтазам ўтказилиши зарур. Айниқса, навқирон авлодда ватанпарварлик туйғуси, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга қаратилган тадбирларни янада кучайтириш лозимлиги уқтирилди.

**Камолиддин АСҚАРОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## Тинчлигимизни асрайлик

**Бу дунёда мусулмон одам борки, барчаси «Юртимизда тинчлик-хотиржамлик бўлсин» деб қўлларини дуога очади. Андижонда ўзини «мусулмон» деб эл тинчлигини бузганларга қандай баҳо бериш мумкин?**

Фожиали воқеалар рўй бергандан сўнг айрим чет эл оммавий ахборот воситалари орқали нотўғри ахборотлар берилди. Уларнинг фикрига кўра, тинч намойиш ўтказаётган халққа қарши ўқ узилган эмиш. Воқеаларнинг асл моҳиятини Президентимиз матбуот конференциясида очиқ-ойдин айтиб ўтдилар. Энди ўйлаб кўрайлик, оддий халқ қўлига қурол олиб намойиш ўтказадими? Ёки ўз фарзандларимиз бўлмиш аскарларни нобуд қиладими? Содир этилган ҳаракатларни фақат мантиқан, чуқур ўйлаб кўрган инсонлар тўғри тушунади. Воқеалар фақат бузғунчилик, кўпорувчиликдан иборат эканлигини англайди.

Ёвуз ниятлилар, албатта, қилмишларига яраша жазо оладилар. Биз эса, бундан буён янада хушёрроқ бўлиб, айниқса, фарзандларимиз тарбиясига эътиборимизни кучайтиришимиз керак.

**Дилбар АБДУКАРИМОВА,**
**Юқоричирчиқ тумани марказий кутубхонаси директори.**

## Фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида

**Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, мамлакатимизда аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг нуфузи ва таъсирини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.**

Тошкент вилоятининг «Кумушкон» дам олиш масканида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ўрганиш истиқболларига бағишлаб ўтказилган конференцияда шу ҳақда сўз борди. Уни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда ташкил этди. Анжуманда олим ва мутахассислар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Жамиятни янада эркинлаштириш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳалардаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам муносиб улуш қўшаётир. Бугунги кунда юртимизда беш минг икки юзга яқин шундай ташкилот мавжуд. Улар қишлоқ хўжалиги, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, экология, таълим, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш сингари йўналишларда самарали иш олиб бoряпти. Мамлакатимизда уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар юртимиздаги ННТлар фаолиятини мувофиқлаштиришда асосий омил бўлмоқда, – дейди Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори Аъзамжон Раҳмонов. – Улар фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан ҳисобланади. «Кумушкон»да ўтган анжуманнинг асосий мақсади ННТларнинг жамиятимиз тараққиётидаги мавқеини юксалтириш, давлат муассасалари билан ва ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокамасига қаратилди.

Конференцияда жойларда ННТлар томонидан амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини кўтариш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш борасидаги муаммоларни бартараф этиш йўллари атрофлича муҳокама этилди. Белгиланган мақсадларни тўла рўёбга чиқариш йўлида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Конференция қатнашчиларининг таклифига биноан Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси (ЎзННТМА) ва унинг ҳузурида ННТларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Ассоциациянинг таъсис йиғилишида унинг мақсад ва вазифалари муҳокама қилиниб, меъёрий ҳужжатлари, таркибий тузилиши тасдиқланди.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

